

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ИМ ВАДИМ МУХАСАНОВИЧ**

**БРАДИАРИТМИЯ БИЛАН БЕМОРЛАРДА ДОИМИЙ  
ЭЛЕКТРОКАРДИОСТИМУЛЯЦИЯ ТУРИНИ ТАНЛАШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Им Вадим Мухасанович**

Брадиаритмия билан беморларда доимий электрокардиостимуляция  
турини танлашни оптималлаштириш ..... 3

**Им Вадим Мухасанович**

Оптимизация выбора вида постоянной электрокардиостимуляции у  
пациентов с брадиаритмиями ..... 21

**Im Vadim Muhasanovich**

Optimization of selection of permanent cardiac pacing variant in patients  
with bradiarrhythmias ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ИМ ВАДИМ МУХАСАНОВИЧ**

**БРАДИАРИТМИЯ БИЛАН БЕМОРЛАРДА ДОИМИЙ  
ЭЛЕКТРОКАРДИОСТИМУЛЯЦИЯ ТУРИНИ ТАНЛАШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2020**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.1.PhD/Tib793 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Зуфаров Миржамол Мирумарович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мансуров Аброл Амирджанович</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Закиров Нодир Узуевич</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«Миллий кардиохирургик илмий маркази» АЖ</b> <b>(Қозоғистон Республикаси)</b>

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиётмаркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиётмарказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (99 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятков**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

**Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «аритмиядан азият чекган одамларнинг учдан бир қисми иш қобилиятини йўқотиб, ногиронларга айланади ва стационар тиббий ёрдамга муҳтож бўлади. Брадиаритмияларнинг даражаси барча Юрак-қон томир касалликларининг 4% ини ҳамда юрак ритмларини бузилишлари барча шакллариининг тахминан 40% ни брадиаритмиялар ташкил қилади»<sup>1</sup>. Электрокардиостимуляция (ЭКС) – бу брадиаритмияларни асосий даволаш усули бўлиб, бунда ўнг қоринчага ўрнатилган электрод орқали импульс миокардга ўтказиб берилади. Бугунги кунда юракнинг икки камерали стимуляцияси ЭКСнинг энг мукамал тизими бўлиб, у юрак бўлмача-қоринчали синхронланишни сақлаб қолиш имконини беради. «Электрокардиостимуляторни (ЭКС) имплантация қилиш – ҳаётни сақлаб қолувчи муолажа бўлиб ҳисобланади, лекин бошқа томондан, юрак ўнг қоринчасини стимуляция қилиш миокарднинг қисқариш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади»<sup>2</sup>. Ўнг қоринчанинг тепа қисми (ЎҚТК) қоринча электродини жойлаштириш учун энг қулай жой бўлиб ҳисобланади. Лекин, «электродни ўнг қоринчага имплантация қилиш жойи доимий ЭКС натижаларинг прогнозида муҳим рол ўйнайди»<sup>3</sup>. ЭКС қўйиш техникасининг ривожланганлигининг даражасига қарамасдан, ўнг қоринчани стимуляция қилиш учун эндокардиал электродни оптимал позициясини танлаш ҳали охиргача аниқланмаган. Шундай қилиб, ўнг қоринча стимуляцияси учун эндокардиал электродни энг оптимал позициясини танлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида доимий ЭКСда ўнг қоринчани апикал ва ноапикал стимуляция қилишнинг қиёсий таҳлили долзарб масала бўлиб қолмоқда ва шу боис бир қатор мақсадга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Қоринчада электродни имплантация қилишнинг муқобил усуллариининг (қоринчалараро тўсиқнинг (ҚАТ) ўрта ва пастки сегментлари, ўнг қоринчанинг чиқиш йўли, Гис тутами соҳаси) чап қоринчанинг «салбий» ремоделлаштирилиши ривожланишига ёрдам берувчи юрак диссинхрониясининг ривожланиш даражасига таъсири ўрганилмоқда. Кардиомиоцитлар орқали электрик импульснинг физиологик тарқатилиши, миокард перфузияси нуқсонларини камайтириш, миокард толаларининг регионал қисқаришларини яхшилаш имкониятлари ўрганилмоқда. Шунингдек, электрик ва механик диссинхронияларнинг ўнг қоринчани диастолик тўлишига, унинг уриш ҳажмига бўлган таъсири ўрганилмоқда. Ўнг қоринчани стимуляция қилишнинг сурункали юрак етишмовчилиги,

<sup>1</sup>Mozaffarian D., Emelia B., Alan S.G., Donna K.A., Michael B., Mary C., Sandeep R.D. et al. Heart Disease and Stroke Statistics—2016 Update//Circulation.-2015.-Vol.133.:CIR.0000000000000350. <https://doi.org/10.1161/CIR.0000000000000350>.

<sup>2</sup>Bauer A., Vermeulen J., Toivonen L. et al. Minimizing right ventricular pacing in pacemaker patients with intact and compromised atrioventricular conduction Results from the EVITA Trial *Herzschr Elektrophys.* 2015; 26:359. <https://doi.org/10.1007/s00399-015-0394-2>.

<sup>3</sup>Weizong W., Zhongsu W., Yujiao Z., Mei G., Jiangrong W., Yong Z., Xinxing X. et al. Effects of right ventricular nonapical pacing on cardiac function: A meta-analysis of randomized controlled trials // *Pacing Clin Electrophysiol.*-2013.-Vol.36.-P.1032–1051.

бўлмачалар фибрилляцияси, тромбоземболик асоратлар, ўлим, пейсмейкер синдроми каби охири нуқталарни ривожланишига бўлган таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар давом этмоқда.

Соғлиқни сақлаш ривожланишининг ҳозирги босқичида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида брадиаритмия билан беморларга сифатли юқори технологик ёрдам кўрсатиш борасида муайян ижобий натижаларга эришилган. Аммо, тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш мақсадида бугунги кунда юрак етишмовчилигини олдини олиш учун ўнг қоринчани доимий электрокардиостимуляцияси муқобил нуқталарининг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилади. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»<sup>4</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ЭКСни тури ва режимини танлашни оптималлаштириш орқали юрак ритми бузилишларининг брадисистолик шакллари билан беморларда доимий ЭКС натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда клиник аритмология ва электрофизиологияда интервенцион аралашувлар нафақат юрак ритминини тиклаш, балки беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берадиган замонавий юқори технологияли даволаш усулларига киради. Bank A.J.<sup>5</sup>, маълумотларига кўра, «миокард диссинхронияси юракнинг насос функциясининг пасайишига ва миокарднинг энергия сарфи ошишига олиб келувчи импульс ўтказиш бузилишлари туфайли камералар ва/ёки юрак

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами, 2017й.

<sup>5</sup> Bank A.J., Gage R.M., Burns K.V. Right ventricular pacing, mechanical dyssynchrony, and heart failure. // J Cardiovasc Transl Res. [Internet]. – 2012.-Vol.5.-№ 2. – P. 219–31.

сегментларни қисқаришида ажралишларни ўзида акс эттиради». Европа кардиологлари жамиятининг кардиостимуляция ва кардиосинхронлаш давоси бўйича клиник тавсиялари маълумотларига кўра, «икки камерали ЭКС юрак олди бўлмачалари фибрилляциясининг доимий шаклидан ташқари брадиаритмияларнинг барча турларида энг афзалдир»<sup>6</sup>. Аммо уларда кардиостимуляциянинг салбий таъсирларини камайтириш ва/ёки олдини олиш учун қилинадиган ўнг қоринчали электродни имплантация қилиш учун жой танлаш белгиланмаган. Гис тутами доирасини стимуляция қилиш биринчи марта ва тор кўрсаткичлар бўйича фақат Америка кардиологлари колледжи ва 2018 йил Юрак ритми жамияти гайдлайнида тавсия этилган.<sup>7</sup> Vijayaraman P.<sup>8</sup> фикрига кўра, «ўтказувчанликнинг бузилиши эҳтимоли, стимуляциянинг юқориқроқ чегаралари ва электрод дислокацияси туфайли Гис тутами доирасига қоринчали электродни имплантация қилиш кенг тарқалган клиник қўлланишни ҳали топа олмади».

Сўнги 20 йил ичида тепа қисмдан қилинадиган узоқ ўнг қоринчали стимуляциянинг салбий томонлари ва унинг юрак тузилиши ва функциясига салбий таъсирини кўрсатадиган клиник тадқиқотлар нашр этилди. Manolis A.<sup>9</sup> маълумотларига кўра, «узоқ апикал стимуляция қилиш юрак олди бўлмачалари фибрилляцияларининг (БФ) тезлиги ошиши, сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ва ўлимга олиб келган». Насос функциясининг бузилишларининг сабаби – миокард диссинхронияси ва юрак гемодинамикасида бузилишларни келтирадиган Гис тутамининг чап оёқчасининг сунъий блокадасининг (ГТЧОБ) пайдо бўлишидир. Йирик тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, доимий ЭКС учун электродни ҚАТ сингари ноапикал ўринга имплантация қилиш импульсни кўпроқ физиологик ўтказиш ва юрак диссинхрониясини ифодаланиш даражасини пасайиши ҳисобига амалиёт кейинги узоқ даврда СЮЕ ва БФ тезлигини пасайтириш имконини беради. Аммо Cho G-Y.<sup>10</sup> тадқиқотларида «миокардни кўпроқ синхрон қисқаришига қарамасдан, чап қоринчанинг функциясини сақлашда афзалликлар йўқлигини кўрсатди». Бирок, Hussain M.A. фикрига кўра, «ўтказилган тадқиқотларни кўпи чиқариш мезонлари бўйича бир хил бўлмаганлиги натижаларга таъсир кўрсатган бўлиши мумкин»<sup>11</sup>.

---

<sup>6</sup> 2013 ESC Guidelines on cardiac pacing and cardiac resynchronization therapy: The Task Force on cardiac pacing and resynchronization therapy of the European Society of Cardiology (ESC). Developed in collaboration with the European Heart Rhythm Association (EHRA)//EP Europace.-2013.-Vol. 15.-№8.-P. 1070–1118. <https://doi.org/10.1093/europace/eut206>.

<sup>7</sup>2018 ACC/AHA/HRS Guideline on the Evaluation and Management of Patients With Bradycardia and Cardiac Conduction Delay: A Report of the American College of Cardiology//American Heart Association Task Force on Clinical Practice Guidelines, and the Heart Rhythm Society // J Am Coll Cardiol. – 2018. [Epub ahead of print].

<sup>8</sup>Vijayaraman P., Subzposh F.A. His-Bundle Pacing and LV Endocardial Pacing as Alternatives to Traditional Cardiac Resynchronization Therapy//Current Cardiology Reports.-2018.-Vol.20.-№11. doi:10.1007/s11886-018-1046-z

<sup>9</sup>Manolis A.S., Manolis A.A., Manolis T.A. Right Heart in Cardiac Pacing//Right Heart Pathology.-2018.-P.331–345. doi:10.1007/978-3-319-73764-5\_17.

<sup>10</sup> Cho G-Y., Kim M-J., Park J-H., Kim H-S., Youn H.J., Kim K-H. et al. Comparison of ventricular dyssynchrony according to the position of right ventricular pacing electrode: a multi-center prospective echocardiographic study // J Cardiovasc Ultrasound [Internet]. – 2011. – Vol.19.- №1.-P.15–20.

<sup>11</sup>Hussain M.A., Furuya-Kanamori L., Kaye G. , Clark J. and Doi S.A. The Effect of Right Ventricular Apical and Nonapical Pacing on the Short- and Long-Term Changes in Left Ventricular Ejection Fraction: A Systematic Review and Meta-Analysis of Randomized-Controlled Trials//Pacing and Clinical Electrophysiology.-2015.-Vol.38.-P.1121-1136.

Ўтказилган адабиётларнинг тахлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда узок ўнг қоринчали электрокардиостимуляция туфайли юзага келган СЮЕ олдини олиш тактик-техник ва диагностик жиҳатлари замонавий клиник электрофизиология ва аритмологиянинг долзарб ва тўлиқ ҳал қилинмаган муаммолари қаторига киришидан далолат беради. Шу туфайли, ЭКСни имплантация қилиш натижаларининг тахлили ҳамда СЮЕ, БФ, тромбоемболик асоратлари, электр кардиостимулятор синдромининг олдини олиш тактик-техник ва диагностик жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан брадиаритмияларга чалинган беморларни жарроҳлик амалиёти ёрдамида даволаш натижаларини яхшилаш устувор масалалар қаторида қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС–15.3.1-сон «Каротид, коронар артериялар ва оёқлар артерияларининг комбинациялашган шикастланишларини замонавий жарроҳлик ва эндоваскуляр даволаш усулларини интеграцияси»: (ПЗ-2014-0912233216) «Мултифокал атеросклерозда юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда эндоваскуляр аралашувлар» мавзуси амалий илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** стимуляция турини танлашни оптималлаштириш йўли билан юрак ритми бузилишларининг брадисистолик шакллари бор беморларда доимий икки камерали электрокардиостимуляция натижаларини яхшилашдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЎҚТҚ ва ҚАТ ўрта учдан бир қисмига электродни имплантация қилиш техник хусусиятларининг қиёсий тахлилинини ўтқозиш;

юрак диссинхрония динамикасини ўрганиб, апикал ва септал стимуляцияда юракни ҳажмли-функционал кўрсаткичларининг қиёсий тахлилинини ўтқозиш;

доимий ЭКСнинг клиник самарадорлигини баҳолаш ва унинг қоринчали электродни жойланишига кўра СЮЕ кечишига таъсирини ўрганиш;

атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштиришни СЮЕ кечишига таъсирини баҳолаш;

ЎҚТҚ ва ҚАТни стимуляция қилишда доимий икки камерали ЭКС бажариладиган беморларнинг хаёт сифати кўрсаткичларини тахлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда академик В.Ваҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида брадиаритмиялар билан даволанган 117 та беморлар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўнг қоринчанинг электроди септал ва апикал ҳолатларида икки камерали электрокардиостимуляция натижаларининг қиёсий тахлилидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий



клиник таҳлиллар, электрокардиография (ЭКГ), эхокардиография (ЭхоКГ), функционал синамалар (олти дақиқа давомида юриш синамаси), кўкрак қафаси рентгеноскопияси/графияси, статистик таҳлил усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аралашувнинг давомийлиги ва электрофизиологик кўрсаткичларни верификациясини ҳисобга олган ҳолда ўнг қоринчанинг тепа қисмига ва қоринчалараро тўсиқнинг ўрта учдан бир қисмига қоринча электродини имплантация қилишнинг асосий техник хусусиятлари аниқланган;

брадиаритмиялар билан беморларда доимий электрокардиостимуляцияда электродни қоринчалараро тўсиқнинг ўрта учдан бир қисмига ўрнатиш апикал соҳага ўрнатишга нисбатан электр кўзғалишнинг анча физиологик тарқалишига кўмаклашиб, қоринчалар диссинхрониясининг камроқ ифодаланиши исботланган;

стимуляция қилиш соҳасига (ўнг қоринчани тепа қисми ва қоринчалараро тўсиқнинг ўрта учдан бир қисми) боғлиқ равишда юрак диссинхронияси ривожланиши фонида сурункали юрак етишмовчилиги жадаллашиб боришининг клиник-патогенетик хусусиятлари аниқлаштирилган;

икки камерали доимий электрокардиостимуляция қилишда сурункали юрак етишмовчилиги кечишига атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштириш таъсирининг электрофизиологик жиҳатлари аниқланган;

ўнг қоринчанинг электродни септал ва апикал жойлашувини ҳисобга олган ҳолда икки камерали электрокардиостимуляциянинг беморлар ҳаёт сифатига таъсири очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

брадиаритмияларнинг турли шакллари билан беморларда қоринчалараро тўсиқнинг ўрта учдан бир қисмини стимуляция қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

ўнг қоринчали электродни қоринчалараро тўсиқнинг ўрта учдан бир қисмига имплантация қилиш усули бажаришда осон, хавфсиз ва ўнг қоринчанинг тепа қисмига имплантациядан фарқли ўлароқ миокардни электрик тўлқинланишини кўпроқ физиологик тақсимланишини таъминлаб бериши аниқланган;

клиник вазиятга асосланиб электрокардиостимуляция кўрсаткичларини дастурлаш орқали ўнг қоринчали стимуляция қилишни минималлаштиришни таъминлаш кераклиги асослаб берилган;

доимий икки камерали электрокардиостимуляция қилинадиган беморларда атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштиришни қўллаш сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланиш эҳтимоллигини камайтиришга имкон бериши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, лаборатор ва инструментал усулларнинг қўлланганлиги билан тасдиқланган. Барча олинган натижалар ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига

асосланган. Статистик қайта ишлов олинган натижалар ишончилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, доимий ўнг қоринчали электрокардиостимуляция қилинадиган беморларда юрак диссинхронияси кечиши хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшади ҳамда юрак бўлмача-қоринча диссинхрониясининг олдини олишда доимий икки камерали ЭКС, юрак етишмовчилиги прогрессиеси ва пейсмейкер синдроми ривожланишида атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштиришнинг аҳамияти аниқланган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги асосий хулоса ва тавсиялар кардиохирургик тиббиёт муассасаларда брадиаритмиялар билан беморларни ташхиллаш ва даволашда қўлланиши мумкин, ўнг қоринчада электродни септал позиция ва атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштириш эса брадиаритмиялар билан беморларда эндоваскуляр аралашувларни натижаларини яхшилаш, яъни СЮЕ, БФ, тромбоэмболик асоратлар, кардиостимулятор синдроми юзага келиш частотасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Брадиаритмиялар билан беморларда доимий икки камерали электрокардиостимуляция қилиш натижаларини оптималлаштиришга бағишланган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

«Брадиаритмиялар билан асоратланган юрак ишемик касаллиги билан беморларда электрокардиостимуляция қилиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 8н-з/243-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар сурункали юрак етишмовчилиги, бўлмачалари фибрилляцияси, кардиостимулятор синдромларни ривожланишини содир этиш даражасини пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобига доимий электрокардиостимуляцияни натижаларини яхшилаш имконини берган;

брадиаритмиялар билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жарроҳлик бўлимлари ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали амамлий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 8н-з/243-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган брадиаритмияларга чалинган беморларга доимий икки камерали электрокардиостимуляторни имплантация қилиш тактик техник жиҳатларини жорий этиш сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш частотасини 41,1% дан 21,4% гача, БФ часотасини 16,4% дан 7,2% гача ҳамда тромбоэмболик асоратлар частотасини 11,4% дан 8,9% гача пасайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 4 та мақола, улардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон этиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва талабгорлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ифодаланган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларининг апробацияси ва чоп этилганлиги, ҳажми ва қисқа тузилмаси ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Электрокардиостимуляциясига замонавий кўришлар**», деб номланган биринчи бобида юрак ритми брадиаритмик бузилишлари бор беморларда доимий электрокардиостимуляция қилиш масалаларига бағишланган адабиёт ҳақида умумлаштирувчи қисқача маълумот келтирилган. Доимий кардиостимуляция қилиш ҳақида турли муаллифларнинг тадқиқотлари келтирилган, хусусан ўнг қоринчани турли бўлмаларини СЮЕ ривожланиш ва кечишига таъсири. Брадиаритмияларни жарроҳлик амалиёти ёрдамида даволаш натижаларини яхшилаш учун ўнг қоринчали стимуляция қилишни минималлаштириш ва атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштириш имкониятлари кўриб чиқилган. Бобнинг хулосасида кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалаларни ёритадиган қисқа резюме келтирилган.

Диссертациянинг «**Брадиаритмияларга чалинган беморларнинг клиник характеристикаси ва тадқиқот усулларини қўллаш**», деб номланган иккинчи бобида клиник материаллари ва қўлланган усуллар тадқиқоти келтирилган. Тадқиқотга 117-та 2016 ва 2018 йиллар орасида академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг рентгенэндоваскуляр жарроҳлиги ва юрак ритми бузилишлари бўлимида даволанган брадиаритмияларга чалинган беморлар киритилган. Барча беморлар Европа юрак ритми ассоциациясининг 2013 йилдаги I ва II синфлар бўйича мавжуд тавсияларига мувофиқ доимий ЭКСларини имплантация қилишга кўрсатмаларга эга эдилар. Такрорий операциялардан (ЭКС тизимини алмаштириш, дислокация қилинган электродни коррекцияси ва ҳоказо) ўтган, NYHA бўйича IV даражали сурункали юрак етишмовчилиги бор; қоринчалар ичи ўтқазувчанлиги

бузилишлари, ностабил стенокардия билан, тадқиқотга киритилишдан олдин икки ой давомида миокард инфарктини бошдан кечирган, кардиожарроҳлик аралашувлардан кейин, юракни гемодинамика аҳамиятли юрак нуқсонлари билан бор беморлар тадқиқотга киритилмаган. Беморларнинг ёши 25 ёшдан 81 ёшгача бўлган (ўртача ҳисобда  $56,4 \pm 17,6$  ёш). Беморларнинг орасида 65 (55,5%) ташкил этган аёллар кўпроқ эди. Ўнг қоринча электродини имплантация қилиш жойига кўра беморлар икки гуруҳга бўлинди (1-расм). Беморларнинг клиник манзараси 1-жадвалда курсатилган.



**Изоҳ:** ҚАТ – қоринчалараро тўсиқ; ЎҚТҚ – ўнг қоринчани тепа қисми; АВБ – атриовентрикуляр блокада; СТБС – синус тугуннинг батафсил синдроми

### 1-расм. Беморларни таққослаш клиник гуруҳлари


1-жадвал

#### Беморларнинг клиник манзараси (n=117)


Манзаралар		I гуруҳ n=56		II гуруҳ n=61		p
		Абс.	%	Абс.	%	
Этиопатогенез	ЮИК	43	76,7	40	65,5	p>0,05
	Ревматизм	7	12,5	12	19,6	p>0,05
	Миокардит	5	8,9	8	13,1	p>0,05
	Ятроген сабаблар	1	1,7	1	1,6	p>0,05
Брадиаритмиялар	АВБ	25	44,6	28	45,9	p>0,05
	СТБС	31	55,3	33	54,0	p>0,05
Зуриқиш стенокардия	ФС I	10	17,8	8	13,1	p>0,05
	ФС II	12	21,4	10	16,3	p>0,05
	ФС III	5	8,9	3	4,9	p>0,05
Аритмик тури		16	28,5	19	31,1	p>0,05
Миокард инфаркти анамнезида	1 МИ	5	8,9	6	9,6	p>0,05
	2 МИ	1	1,7	2	3,2	p>0,05
Сурункали юрак етишмовчилиги	ФС I	4	7,1	4	6,5	p>0,05
	ФС II	25	44,6	29	47,5	p>0,05
	ФС III	4	7,1	2	3,2	p>0,05
Артериал гипертензия		29	51,7	34	55,7	p>0,05
БМҚАЎБ ва ТИХ		2	3,5	1	1,6	p>0,05
Қандли диабет		21	37,5	11	18,0	p>0,05
Пароксизмал БФ		17	30,3	12	19,6	p>0,05
Икки камерали стимуляция		56	100	61	100	p>0,05
Ўнг қоринчанинг стимуляция %		50%-дан купроқ				

**Изоҳ:** ЮИК – юрак ишемик касаллиги; АВБ – атриовентрикуляр блокада; СТБС – синус тугуннинг батафсил синдроми; ФС – функционал синф; МИ – миокард инфаркти; БМҚАЎБ – бош мия қон айланиши ўткир бузилиши; ТИА – транзитор ишемик ҳужум; БФ – булмачалар фибрилляцияси.

I гурухга (ҚАТ) қоринчаларо тўсиқининг ўрта учдан бир қисмига қоринчали электрод имплантация қилинган беморлар кирди: 56 та (47,8%). II гурух (ЎҚТП) ўнг қоринчани тепа қисмига қоринчали электрод имплантация қилинган беморлардан иборат - 61 (52,2%) (2-расм).



а.



б.

**2-расм. Қоринчали электродни ўнг қоринчани тепа қисмига (а) ва қоринчаларо тўсиқни ўрта учдан бир қисмига (б) имплантация қилиш**


Иккала гурух беморлари ёши, жинси, брадиаритмия этиологияси ва турлари, ҳамроҳ касалликлар характери,  $CHA_2DS_2-VASc$  шкаласи бўйича юрак бўлмачаларининг фибрилляцияси/титраши мавжуд бўлган беморларнинг тромбоемболик асоратлари хавфи бўйича статистик жиҳатдан ўзаро таққослаб бўладиган эдилар. Асосий терапия стандартларга мувофиқ ўтказилди ва иккала гурухда ҳам таққосланадиган ҳолатда эди.

Амалайётдан олдин ва 1-2 суткадан кейин юрак диссинхрониясининг динамикасини баҳолаш учун ЭКГ, ЭхоКГ ўтказилди. 6 ойлик кузатувдан сўнг кўшимча равишда олти дақиқалик юриш синамаси (6-ДС) ва алоҳида танланган кичик гурухларда атриовентрикуляр кечикишни эхооптималлаштириш (АВО) амалга оширилди. 12 ойдан кейин ЭКГ ва ЭхоКГ кўрсаткичлари ва 6-ДС оралиғи динамикаси баҳоланди, ҳаёт сифати (ХС) аниқланди, 6-ДС оралиғи ва ЭхоКГ кўрсаткичларини ўлчаш орқали АВОнинг натижалари алоҳида тадқиқ этилди.

Диссертациянинг «**Брадиаритмияларга чалинган беморларда доимий электрокардиостимуляция қилиш бевосита ва энг яқин натижалари**», деб номланган учинчи бобида қоринчаларо тўсиқга ва тепа қисмга қоринчали электродни имплантация қилиш техник хусусиятлари тақдим этилган, электрофизиологик параметрлари, асоратларни содир бўлиш даражаси таққосланган. Шунингдек стимуляция қилинган комплекснинг кенглиги ЭКГ-да таҳил қилинди, чунки электрик диссинхронияси чап қоринчанинг (ЧК) систолик дисфункцияси ривожланишини энг эрта предиктори. Операциядан кейинги яқин даврларда, 6 ва 12 ойларида кейин қоринчаларо диссинхрониясини баҳолаш учун ЭхоКГ М-режимда қоринчаларо механик кечикиш кўрсаткични (ҚАМКм) ҳамда қоринчалар ичидаги диссинхронияни

(ҚИМКм) ҳисоблаб чиқилди. ЭКС-ни имплантация қилишдан кейин яқин ва узок даврларда септал ва апикал позицияларда ЎҚ кардиостимуляция қилишни ЧҚ функциясига таъсирини қиёсий таҳлилинини ўтказиш учун юрак бўшлиқлари ҳажмлари ва ЧҚ фракциясининг отилиб чиқиши баҳоланди.

Операциядан олдин гуруҳларда ўзининг QRS-комплексининг ўртача давомийлиги сезиларли даражада фарқ қилмай I гуруҳда  $80,9,4 \pm 7,4$  мс ва II гуруҳда  $81,8 \pm 8,1$  мс ни ташкил қилган. Қоринчали электродни имплантация қилишдан кейин дарҳол QRS-комплексининг давомийлиги I гуруҳда  $115,4 \pm 14,6$  мс, II гуруҳда эса -  $148,7 \pm 11,4$  мс ни ташкил қилди. Иккала гуруҳда ҳам операциядан олдин бўлган кўрсаткичларга нисбатан (3-расм) QRS-комплексининг давомийлигини ишончли ўсиши кузатилди. Аммо I гуруҳда стимуляция қилинган комплекснинг давомийлиги анча торроқ бўлиб чиқди. II гуруҳда QRS – комплексининг кенглиги I гуруҳга нисбатан ўртача 25,3 мс га ёки 17,9% га юқорироқ ( $p < 0,05$ ) бўлди.



**3-расм. Қоринчали электродни ўнг қоринчани тепа қисмига (а) ва қоринчалараро тўсиқни ўрта учдан бир қисмига (б) имплантация қилишда интраоперацион ЭКГ манзараси**

Операциядан олдин I гуруҳ беморларида миокард диссинхронияси кўрсаткичлари ўртача значениялари мумкин бўлган доираларда эди: (ҚАМКм) -  $36,7 \pm 6,5$  мс, ҚИМКм -  $114,5 \pm 10,4$  мс, операциядан кейин эса улар  $38,1 \pm 6,9$  мс ва  $121,3 \pm 8,9$  мс га мос равишда ўзгарди. Яъни дастлабки кўрсаткичлар деярли ўзгармаган, бу ушбу гуруҳда эрта операциядан кейинги даврда миокард диссинхрониясининг ифодаланганлиги кам бўлганидан далолат беради. II гуруҳ беморларида операциядан олдин миокард диссинхрониясининг ўртача кўрсаткичлари мумкин бўлган доираларда эди: (ҚАМКм) -  $36,8 \pm 6,1$  мс, ҚИМКм -  $114,6 \pm 9,8$  мс, операциядан кейин эса улар  $42,7 \pm 7,2$  мс ва  $140,7 \pm 9,5$  мс-га мос равишда ўзгарди.

I гуруҳ беморларда (ҚАТ) ифодаланган динамика кузатилмади. Хусусан, ЧҚнинг охирги систолик ҳажмини (ОСХ) ( $65,4 \pm 19,1$ -дан  $65,3 \pm 18,8$  гача,  $p > 0,05$ ) ва охирги диастолик ҳажмини (ОДХ) ( $144,1 \pm 32,7$ -дан  $143,2 \pm 31,6$  гача,  $p > 0,05$ ) статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ўзгаришлари кузатилди. Шунингдек, ЧҚ зарб фракциясини (ЗФ) аҳамиятли ўзгариши қайд этилмади ( $53,7 \pm 6,6\%$  дан  $53,8 \pm 5,7\%$ ).

гача,  $p > 0,05$ ). II гуруҳ беморларда (ЎҚТП) юракни хажмли-функционал кўрсаткичларнинг динамикаси ўхшаш хусусиятларга эга эди. Шундай қилиб ЧҚ ОДХ ўзгариши ( $135,6 \pm 37,1$ -дан  $137,8 \pm 31,4$  мл гача,  $p > 0,05$ ) ва ЧҚ ОСХ ( $63,0 \pm 22,6$  дан  $63,5 \pm 23,9$  мл гача,  $p > 0,05$ ), ЗФ ( $54,4 \pm 6,8$ дан  $55,3 \pm 6,7\%$  гача,  $p > 0,05$ ) операциядан кейинги эрта даврда статистик ахамиятсиз эди.

ЭКСни имплантация қилиш даврида олинган маълумотларни таҳлил қилишда ва операциядан кейинги эрта даврда текширишда қуйидагилар аниқланди. Умуман, ҚАТ ва ЎҚТПлар доираларига электродни имплантация қилишда иккала гуруҳда ҳам муваффақиятга эришилиб у тахминан бир хил эди. Клиник жиҳатдан операциядан кейинги давр муҳим асоратларсиз ўтди. Иккала гуруҳда ҳам QRS-комплекснинг кенглиги, ЭхоКГ параметрлари операциягача статистик жиҳатдан фарқ қилмаган. Операциядан кейинги эрта даврда II гуруҳ беморларида I гуруҳ беморларига нисбатан кенгроқ QRS-комплекс қайд этилди. Бунда ЭхоКГ бўйича иккала гуруҳдаги хажмли-функционал кўрсаткичлар статистик жиҳатдан ишончли бўлмаган даражада ўзгарди.

Диссертациянинг «**Брадиаритмияларга чалинган беморларни доимий электрокардиостимуляция қилиш узок натижалари**», деб номланган тўртинчи боби септал ва апикал позицияларда ЭКСни имплантация қилишдан 6 ва 12 ойдан сўнг 117 та беморни текшириш ва бўлмачалар фибрилляциялари, тромбоемболик асоратлар, СЮЕ, ҳар қандай сабабдан ўлим, пейсмейкер синдроми каби «охири нуқталар» таҳлилига бағишланган (2- ва 3-жадваллар).

## 2-жадвал

### ҚАТ стимуляция қилинадиган беморларда «охири нуқталарни» тузилмаси

Кузатиш даври	I гуруҳда охири нуқталар (n=56)		
	ЭКС синдроми	БФ	Тромбоемболик асоратлар/инсулт
Операциядан олдин	0	17 (30,3%)	2 (3,5%)
Операциядан кейин	0	17 (30,3%)	2 (3,5%)
6 ой	11 (19,6%)	21 (37,5%)	2 (3,5%)
12 ой	15 (26,7%)	21 (37,5%)	5 (8,9%)

**Изоҳ:** ҚАТ – қоринчалараро тўсик; ЭКС – электрокардиостимулятор; БФ – бўлмачалар фибрилляцияси.

## 3-жадвал

### ЎҚТП стимуляция қилинадиган беморларда «охири нуқталарни» тузилмаси

Кузатиш даври	II гуруҳда охири нуқталар (n=61)		
	ЭКС синдроми	БФ	Тромбоемболик асоратлар/инсулт
Операциядан олдин	0	12 (19,6,%)	1 (1,6%)
Операциядан кейин	0	12 (19,6,%)	1 (1,6%)
6 ой	29 (47,5%)	22 (36,0%)	2 (3,2%)
12 ой	35 (57,3%)	22 (36,0%)	7 (11,4%)

**Изоҳ:** ЎҚТП – ўнг қоринчанинг тепа қисми; ЭКС – электрокардиостимулятор; БФ – бўлмачалар фибрилляцияси.

Шунингдек, ушбу бобда юрак ҳолати ҳажмли-функционал кўрсаткичлари, миокард диссинхронияси кўрсаткичлари, олти дақиқа давомида юриш синамаси, ҳаёт сифати, QRS-комплекснинг давомийлиги сифатида тақдим этилган электродни септал ва апикал позицияларида электрокардиостимуляция қилишнинг узоқ натижалари тақдим этилган. Аралашувдан 6 ой кейин беморларда эхокардиографик назорат остидаги атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштиришнинг аҳамиятини ўрганиш тўғрисида айтиб ўтиш лозим.

Тадқиқот натижалари бўйича муаллиф томонидан «охирини нуқталарни» таҳлилида кардиостимуляция қилишда апикал стимуляция қилиш септалга нисбатан ёмон натижаларга олиб келиши кўрсатилган. Йил давомида ҚАТ стимуляция қилишда БФ содир этиш ҳолатлари 7,2: ташкил қилди, ЎҚТП стимуляция қилишда эса – 16,4%. 12 ой охирида II гуруҳда тромбоемболик асоратлар сони I гуруҳга нисбатан 5,3%-га кўпроқ эди. Тадқиқот охирига келиб I гуруҳда ЭКС синдроми II гуруҳга нисбатан 25,3% га юқорирақ эди ( $p < 0,05$ ).

Юрак диссинхрониясини ўлчаш натижалари септал стимуляция қилишда апикал стимуляция қилишга нисбатан яхшироқ натижаларни кўрсатишди. Йил давомида операциядан кейин I гуруҳ беморларида QRS-комплексининг давомийлигида статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ўсиш (операциядан кейин кўрсаткичга нисбатан) кузатилди, яъни операциягача у  $80,9 \pm 7,4$  мс, 6 ойдан кейин  $-121,8 \pm 12,5$  мс, 12 ойдан сўнг эса  $-122,4 \pm 14,6$  мс ни ташкил қилди. Аини пайтда II гуруҳ беморларида QRS-комплексининг кенглигини аҳамиятли ўсиши қайд этилган, ушбу кўрсаткични ўртача значениялари операциягача  $81,8 \pm 8,1$  мс ва 12 кузатиш ойлари учун мос равишда  $153,6 \pm 11,5$  мс ва  $157,4 \pm 15,6$  мс ларни ташкил этган. Натижада QRS-комплексининг давомийлигида гуруҳлар орасидаги фарқ кузатиш охирига келиб 35,0 мс ёки 22,2% ташкил қилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### QRS-комплексининг ўзгариш динамикаси $M \pm m$ (мс)

Кузатиш даври	Электрод позицияси (тадқиқот гуруҳи)		p2
	ҚАТ (I гуруҳ)	ЎҚТП (II гуруҳ)	
Операциядан олдин	$81,9 \pm 7,4$	$81,8 \pm 8,1$	$>0,05$
Операциядан кейин	$115,4 \pm 14,6$ $p < 0,05$ <sup>1</sup>	$148,7 \pm 11,4$ $p < 0,05$ <sup>1</sup>	$<0,05$
6 ой	$121,8 \pm 12,5$ $p > 0,05$ <sup>1</sup>	$153,6 \pm 11,5$ $p > 0,05$ <sup>1</sup>	$<0,05$
12 ой	$122,4 \pm 14,6$ $p > 0,05$ <sup>1</sup>	$157,4 \pm 15,6$ $p < 0,05$ <sup>1</sup>	$<0,05$

**Изоҳ:** 1 – олдинги кўрсаткичлар билан солиштирганда операциядан кейин ҳар хил даврларда гуруҳ ичида QRS-комплексининг давомийлигида фарқларни аҳамияти  
2 – гуруҳлар орасида фарқларни аҳамияти.



Иккала гуруҳ беморларида қоринча ичида ва қоринчалараро диссинхрониялар кўрсаткичлари ўртача значениялари операциягача норма доирасидаги значениялардан ошмаган. Бир йиллик кузатувдан кейин II гуруҳ беморларда ҚИМКм ва ҚАМКм кўрсаткичлари I гуруҳ беморларининг мос значенияларидан ( $p < 0,05$ ) 26,4% ва 18,1%-га юқорироқ бўлган (5 ва 6-жадваллари).

#### 5-жадвал

#### I гуруҳ беморларда қоринча ичидаги ва қоринчалараро диссинхронияларнинг кўрсаткичлари динамикаси, $M \pm m$

Кўрсаткич	Кузатиш даври			
	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин
ҚАМКм, мс	36,7±6,5	38,1±6,9 $p > 0,05$	38,7±5,7 $p > 0,05$	38,8±6,2 $p > 0,05$
ҚИМКм, мс	114,5±10,4	121,3±8,9 $p > 0,05$	124,1±9,2 $p > 0,05$	125,7±10,5 $p > 0,05$

**Изоҳ:** р операциядан олдин бўлган значенияларни солиштиришда фарқлар аҳамиятлилигини далолатидир.

#### 6-жадвал

#### II гуруҳ беморларда қоринча ичидаги ва қоринчалараро диссинхронияларнинг кўрсаткичлари динамикаси, $M \pm m$

Кўрсаткич	Кузатиш даври			
	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин
ҚАМКм, мс	36,8±6,1	42,7±7,2 $p > 0,05$	52,7±7,3 $p < 0,05$	52,6±8,2 $p < 0,05$
ҚИМКм, мс	114,6±9,8	140,7±9,5 $p > 0,05$	146,8±8,9 $p < 0,05$	151,8±9,6 $p < 0,05$

**Изоҳ:** р операциядан олдин бўлган значенияларни солиштиришда фарқлар аҳамиятлилигини далолатидир.

Операциядан кейин 12-ойга келиб апикал стимуляция қилинган беморлар гуруҳида ЧҚ бўшлиғи хажмлари ҚАТ стимуляция қилинган гуруҳга нисбатан аниқ каттароқ бўлган. ЧҚ ОДХ ўртача значенияси II гуруҳда 17,2% га юқорироқ, ЧҚ ОСХ - 10,3% га ( $p < 0,05$ ). Тадқиқот охирига келиб I гуруҳда (ҚАТ) беморлар орасида 23-та беморда (41,1%) фракциянинг отилиб чиқиши пасайгани қайд этилди, айти пайтда II гуруҳ беморларида эса (ЎҚТҚ) ушбу кўрсаткични пасайиши 41-та беморда (73,7%) аниқланди (7 ва 8-жадваллар).

Иккала гуруҳда ҳам ЧҚ ЗФнинг салбий динамикаси бўлган беморлар сонининг қиёсий баҳоси ўтказилди. I гуруҳда ЧҚ ЗФнинг пасайиши операциядан 6 ой ўтгач 12-та беморда (21,4%), 12 ойдан кейин эса – 23-та беморда (41,1%) кузатилди. II гуруҳда салбий ЧҚ динамикаси бўлган беморларнинг сони сезиларли даражада кўп эди ( $p < 0,05$ ). Шундай қилиб, 6

ойлик кузатувлардан кейин ушбу кўрсаткичнинг пасайиши операция қилинган беморларнинг 32 тасида (52,4%) ва 12 ойдан кейин – 41 тасида (73,7%) кузатилди.

Олти дақиқа давомида юриш синовининг ўтиш масофаси операциядан кейин 12 ой давомида I гуруҳ беморларида 4,2% га ўсиб 418±39 метрни ташкил қилди, II гуруҳда эса 5,9% га камайиб 354±89 метрни ташкил қилди. Тадқиқотлар йили охирига келиб I гуруҳда ўтиш масофаси I гуруҳга нисбатан 16,2% га юқориқ эди (9-жадвал).

Атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштиришдан кейин ЎҚ септал стимуляция қилинган беморларда ЧҚ ЗФ озгина кўпайди, апикал стимуляция қилинган беморларда эса ЧҚ ЗФ 4,2% га камайди ( $p < 0,05$ ).

#### 7-жадвал

### I гуруҳ беморларининг юрак холати хажмли-функционал кўрсаткичлари (n=56), M±m

Кўрсаткич	Кузатиш даври			
	Операциядан олдин	Операциядан кейин	6 ой	12 ой
ЧЮБ, см	4,2±0,7	4,2±0,6 $p > 0,05$	4,2±0,8 $p > 0,05$	4,1±0,8 $p > 0,05$
ЧҚ ОСХ, мл	65,4±19,1	65,3±18,8 $p > 0,05$	64,7±19,8 $p < 0,05$	62,6±18,7 $p < 0,05$
ЧҚ ОДХ, мл	144,1±32,7	143,2±31,6 $p > 0,05$	134,4±37,2 $p > 0,05$	124,6±23,1 $p < 0,05$
ЧҚ ЗФ, %	53,7±6,6	53,8±5,7 $p > 0,05$	55,7±7,7 $p < 0,05$	55,8±6,4 $p < 0,05$
ЎҚ, см	3,2±0,6	3,1±0,5 $p > 0,05$	3,1±0,5 $p > 0,05$	3,1±0,4 $p > 0,05$

**Изоҳ:** p - операциядан олдинги кўрсаткичларни таққослашда турли кузатиш даврларида кўрсаткичлар орасидаги фарқларни ишончилигининг далолатидир.

#### 8-жадвал

### II гуруҳ беморларининг юрак холати хажмли-функционал кўрсаткичлари (n=61), M±m

Кўрсаткич	Кузатиш даври			
	Операциядан олдин	Операциядан кейин	6 ой	12 ой
ЧЮБ, см	3,7±0,5	3,7±0,6 $p > 0,05$	3,85±0,5 $p > 0,05$	4,1±0,6 $p > 0,05$
ЧҚ ОСХ, мл	63,0±22,6	63,5±23,9 $p > 0,05$	64,5±21,5 $p < 0,05$	69,8±18,5 $p < 0,05$
ЧҚ ОДХ, мл	135,6±37,1	137,8±31,4 $p > 0,05$	141,7±38,9 $p > 0,05$	150,6±21,2 $p < 0,05$
ЧҚ ЗФ, %	54,4±6,8	55,3±6,7 $p > 0,05$	52,4±6,3 $p < 0,05$	50,8±6,6 $p < 0,05$
ЎҚ, см	2,8±0,5	3,0±0,5 $p > 0,05$	3,0±0,7 $p > 0,05$	3,5±0,5 $p > 0,05$

**Изоҳ:** p - операциядан олдинги кўрсаткичларни таққослашда турли кузатиш даврларида кўрсаткичлар орасидаги фарқларни ишончилигининг далолатидир.


Олти дақиқа юриш синови натижаларини қиёслаш,  $M \pm m$ 

Кузатиш даври	Таққослаш гуруҳлари		p2
	I гуруҳ	II гуруҳ	
6 ойдан кейин, метрлар	407±76	367±78	p<0,05
12 ойдан кейин, метрлар	418±39	354±89	p<0,05
p1	p<0,05	p<0,05	

**Изоҳ:** 1 – кузатиш даврлар орасидаги фарқлар ишончлилиги; 2 – гуруҳлар орасидаги фарқлар ишончлилиги.


АВОдан 6 ой сўнг ЧҚ ЗФнинг ўнг қоринчали септал стимуляцияси бўлган беморларда 6-ДС дистанцияси 0,8% га ошди, апикал стимуляция қилинган беморларда эса 4,2% га пасайди (p<0,05). Аммо оптималлаштирилмаган АВ кечиқишга эга бўлган гуруҳда оптималлаштиришдан кейин 6 ойдан сўнг септал ва апикал стимуляция қилинган беморларда босиб ўтилган масофа мос равишда – 2,6% ва 4,7% га пасайди (p<0,05).

12 ойлик кузатувлардан кейин, SF-36 сўровномасидан фойдаланган ҳолда ўтказилган сўров натижасида ўнг қоринчани септал стимуляция қилиш орқали икки камерали ЭКС ўтказилган беморларда саломатликнинг жисмоний компонентларини ифодалайдиган ҳаёт сифати кўрсаткичлари апикал стимуляция қилинганга нисбатан анча юқорироқ эканлиги маълум бўлди. Аммо саломатликнинг психологик компонентларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар орасидаги фарқ унча аҳамиятли эмас эди (4- ва 5-расмлар).



**Изоҳ:** ЖХҚ – жисмоний ҳаракат қилиш шкаласи; РЖХҚ – ролли жисмоний ҳаракат қилиш шкаласи; О – оғриқ шкаласи; УС – шумумий саломатлик шкаласи.

**4-расм. Беморларнинг ЭКСни имплантация қилишдан кейин ХС кўрсаткичлари (саломатликнинг жисмоний компонентлари, p<0,05).**



**Изоҳ:** ЯҚ – яшаш қобиляти шкаласи; ИХҚ – ижтимоий ҳаракат қилиш шкаласи; РҲХҚ – ролли ҳиссий ҳаракат қилиш шкаласи; ПС – психологик саломатлик шкаласи.

**5-расм. Беморларнинг ЭКСни имплантация қилишдан кейин ХС кўрсаткичлари (саломатликнинг психологик компонентлари, p<0,05).**

Шундай қилиб, ўнг қоринчанинг септал доирасидан электр кардиостимуляция қилишни апикал стимуляцияга нисбатан афзаллиги бор. ЎҚТҚга электродни имплантация қилиш техникаси билан хавфсизлик ва мураккаблик жиҳатларидан мутлақ таққослашда септал стимуляция қилиш юрак етишмовчилиги ривожланиш ва прогрессиясида асосий рол ўйнайдиган ифодаланган юрак диссинхрониясига келтирмайди. Натижада чап қоринчани қисқариш функциясида бузилишларни содир этиш даражаси ва юрак етишмовчилигини прогрессияси камаяди.

## ХУЛОСА

1. Имплантация қилиш техникаси, аралашув давомийлиги, электрофизиологик параметрлар ва операциядан кейин юзага келадиган асоратларни содир бўлиш даражаси бўйича электродни қоринчалараро тўсиқга имплантация қилиш усули ўнг қоринчани тепа қисмига имплантация қилишдан сезиларли даражада фарқ қилмайди.

2. Қоринчалараро тўсиқдан доимий электрокардиостимуляция қилишда қоринча ичидаги ва қоринчалараро диссинхронияларни камроқ ифодаланиши содир бўлади, сабаби апикал стимуляция қилишдан фарқли ўлароқ миокард бўйича электр импульсни кўпроқ физиологик келиб чиқишида. Септал стимуляция қилинган беморларда диссинхрония ривожланишини содир бўлиш даражаси 21,3% ни, апикалда эса 51,2% ни ташкил қилади.

3. Қоринчалараро тўсиқдан электр стимуляция чап қоринчани “салбий” ремоделлаштирилишини ривожланишининг пастроқ содир бўлиш даражаси билан бирга келади (41,1% га қарши 73,7%, 12 ойдан кейин), бу ўнг қоринчани тепа қисмига нисбатан юрак етишмовчилиги прогнозини яхшилаш имконини беради.

4. Ўнг қоринчани апикал стимуляция қилишни солиштирганда септал стимуляция қилиш операциядан кейин узоқ даврда юрак олди бўлмачалар фибрилляцияси (7,2% га қарши 16,4%), тромбоэмболик воқеалар (8,9% га қарши 11,4%) ва пейсмейкер синдроми (26,7% га қарши 57,3%), СЮЕ (21,4% га қарши 41,1%) пастроқ содир этиш даражалари билан бирга келади.

5. Атриовентрикуляр кечикишни оптималлаштириш доимий икки камерали стимуляция қилинадиган беморларда систолик отиб чиқишга ижобий таъсир кўрсатиб юрак етишмовчилиги кечилини яхшилади (ЧҚ ЗФ  $2,4 \pm 0,2\%$  га кўтарилди, оптималлаштиришсиз беморларда  $2,1 \pm 0,1\%$  га пасайишда) ( $p < 0,05$ ).

6. Доимий электрокардиостимуляция қилишда септал стимуляция қилиш апикалга нисбатан юқори ҳаёт сифат кўрсаткичлари билан белгиланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ  
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

**ИМ ВАДИМ МУХАСАНОВИЧ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ВЫБОРА ВИДА ПОСТОЯННОЙ  
ЭЛЕКТРОКАРДИОСТИМУЛЯЦИИ У ПАЦИЕНТОВ С  
БРАДИАРИТМИЯМИ**

**14.00.34 – Сердечно-сосудистая хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.1.PhD/Tib793.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Зуфаров Миржамол Мирумарович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мансуров Аброр Амирджанович**  
доктор медицинских наук

**Закиров Нодир Узевич**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** **АО «Национальный научный кардиохирургический центр» (г. Нур-Султан, Республика Казахстан)**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №99). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ф.Г. Назиров**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.В. Девятов**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «около трети больных, страдающих аритмиями, теряют работоспособность, становятся инвалидами и нуждаются в стационарной медицинской помощи. Частота брадиаритмий составляет 4% среди сердечно-сосудистых заболеваний и около 40% от всех форм нарушений ритма сердца»<sup>1</sup>. Электрокардиостимуляция (ЭКС) является основным методом лечения брадиаритмий, при этом импульс передается в миокард через электрод, установленный в правый желудочек. На сегодняшний день, наиболее совершенной системой ЭКС является двухкамерная стимуляция сердца, позволяющая сохранить предсердно-желудочковую синхронизацию. Несмотря на то, что «имплантация ЭКС является жизнеспасающей процедурой, с другой стороны, правожелудочковая стимуляция сердца негативно влияет на сократительную способность миокарда»<sup>2</sup>. Верхушка правого желудочка (ВПЖ) является наиболее удобным местом позиционирования желудочкового электрода. Однако «место имплантации электрода в правый желудочек сердца играет значительную роль в прогнозе результатов постоянной ЭКС»<sup>3</sup>. Несмотря на технический уровень развития ЭКС, еще не до конца определен выбор наиболее оптимальной позиции эндокардиального электрода для стимуляции правого желудочка. Таким образом, выбор наиболее оптимальной позиции эндокардиального электрода для стимуляции правого желудочка остается актуальной задачей.

В мировой практике в настоящее время актуальным вопросом остается сравнительный анализ результатов апикальной и неапикальной стимуляции правого желудочка при постоянной ЭКС, для чего проводится целый ряд целенаправленных научных исследований. Изучается влияние альтернативных способов имплантации желудочкового электрода (средние и нижние сегменты межжелудочковой перегородки (МЖП), выходной тракт правого желудочка, область пучка Гиса) на степень развития сердечной диссинхронии, которая способствует развитию «отрицательного» ремоделирования левого желудочка. Исследуются возможности физиологического распространения электрического импульса через кардиомиоциты, снижение дефектов перфузии миокарда, улучшение регионального сокращения волокон миокарда. Также изучается влияние электрической и механической диссинхронии на диастолическое наполнение

---

<sup>1</sup> Mozaffarian D., Emelia B., Alan S.G., Donna K.A., Michael B., Mary C., Sandeep R.D. et al. Heart Disease and Stroke Statistics-2016 Update//Circulation. -2015. -Vol.133.: CIR.0000000000000350. <https://doi.org/10.1161/CIR.0000000000000350>.

